

# **Қумқұрғон туманида 50 та хонадонли, күп қаватли ижтимоий турар-жой биноси қурилиши бошланди**



Қумқұрғон тумани “Нефтчилар” маңалласи ҳудудида әхтиёжманд аёлларни арzon уй-жойлар билан таъминлаш мақсадида 50 та хонадонли, күп қаватли ижтимоий турар жой биноси қурилиши бошланиши муносабати билан тадбир бўлиб ўтди.

Турар-жойнинг сифатли қурилиши, бу ерда истиқомат қилувчилар учун барча зарур шароитларни яратиш, хонадонлар ҳақиқий эхтиёжманд хотин-қизлар берилиши лозимлиги таъкидланди.

Қурилиш ишлариiga жалб қилинган махсус техникалар ёрдамида турар-жой биносининг ер ишлари бошланди.

Ўтказилган тадбирда вилоят ҳокими Улуғбек Қосимов, туман ҳокими, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда нуронийлар иштирок этишди.